

# BOBUR KUTUBXONASI

Маънавий - маърифий · Журнал · Духовно - просветительский



3/2023

ISSN 2181-3280

1-бет



“Бобурнома” асарида Фарғона  
воқеалари тавсифи

8-бет



Китобсеварлар билан суҳбат

11-бет



Эртактерация

1483



1530

20-бет



Ўлкамиз тарихини  
ўрганамиз

25-бет



Модельная библиотека-  
библиотека комфортного досуга

29-бет



Китоб кўргазмаларини ташкил этиш  
тажрибаси

35-бет



Критерии успешного управления

44-бет



Табрикнома

47-бет



Абдуғулом Султонов. У қандай одам эди!...



## КИТОБСЕВАРЛАР БИЛАН СУҲБАТ (китоб ўқиган инсоннинг юраги кенгайиб боради)



**Тўлқин Сиддиқ**

Ўзбекистон  
журналистлар  
ижодий уюшмаси  
аъзоси

Одатда одамлар  
кўп тўпланадиган  
жойларда шовқин  
ҳукмронлик қилади.

Биз кириб келган  
мухташам бинонинг  
биринчи, иккинчи,  
учинчи қаватларидаги  
кенг ва ёруғ заллар  
асосан ёш йигит ва  
қизлар билан гавжум-  
лигига қарамай, сув  
сепгандай сокин. Ҳа,  
топдингиз... Бу Бобур  
номидаги Андижон  
вилоят ахборот-  
кутубхона маркази.

Китобларни варақлаб, нима-  
ларнидир қоғозга тушираётган  
китобхонлар билан суҳбатла-  
шиб, уларнинг кутубхонага мун-  
тазам келиб мутолаа қилиш-  
ларининг сабаби, китобларнинг  
уларнинг ҳаётидаги ўрни ва оми-  
ли ҳақида билишга қизиқдик.

Залларни кўздан бир кечири-  
боқ муштарийларнинг аксария-  
ти талаба ёшлар, абитуриент-  
лар эканлигини фаҳмлайсиз.  
Уларнинг бири Андижон давлат  
тиббиёт институтининг 5-босқич  
талабаси Азамат Тожибоев.



- Оиламизда ҳаммамиз китоб  
ўқишни ёқтирамыз, - деди Азамат  
биз билан суҳбатда.

- Отам хорижда ишлаб, бизни  
моддий таъминлаб туради. Онам  
уй бекаси, китоб, газета ўқишни  
канда қилмайди. Бу менга ука-  
ларимга ҳам юққан. Институти-  
мизда домлалар берган кўрсат-  
малар бўйича тиббиётга оид  
қўлланмаларни мутолаа қилиш  
билан бирга бадиий китобларни  
ҳам ўқишга вақт топаман. Имом  
ал-Бухорий ҳаёти ҳақидаги  
“Соҳилсиз денгиз” номли китобни  
ўқиб чиқдим ва синглимга ҳам

тавсия қилдим. Унга китоб жуда  
ёқди.

Олтинқўл туманидан ҳар куни  
катнаб ўқишда вақтдан ютқазаёт-  
ганим учун Андижон шаҳрида  
квартира ижарага олганман. Кўп  
вақтим кутубхонада ўтади. Бу  
ерда имтиҳонларга тайёрланиш,  
тафаккуримни оширишим учун  
барча шароитлар мавжуд. Таш-  
қарида жазирама иссиқ, заллар-  
да эса ҳаво мўътадил. Ўзимда  
бўлмаган адабиётларни топиш  
қулай, атрофдагилар ҳалақит  
бермайди аксинча, ёрдамими  
аямайди.

Ёши 75 га борган улуғнорлик  
нуроний Мўмин Саттор вилоят  
кутубхонасига келиб туришга  
доим вақт топади.



Унинг ҳаёт йўлини ёшларга  
дарслик сифатида ўқитса арзий-  
ди. Мўминжон ота дунёнинг кўп-  
лаб, шаҳар ва қишлоқларида  
бўлган, турли миллат ва элатлар  
турмуш тарзини ўрганган. “Само-  
вий шуълалар”, “Муродбахш  
орзулар”, “Мени адашган денг-  
лар”, “Ватан ишқи”, “Шаҳрихон-  
сой мавжлари”, “Албамистрот”,  
“Инсоннинг пайдо бўлиши”, “Умр

мезони номли китобларнинг муаллифи.

М.Лермонтов, А.Ахматова, Олдингтон, М.Цветаева, Саъдий, Ҳофиз, Зебинисо каби алломаларнинг ижодидан намуналарни ўзбек тилига ўгирган.

- Шунча йил яшаб бу дунёда китобдан-да ортиқ мўжиза, яқин дўст топмадим,-дея нуроний ўзи битган шеърдан икки мисра ўқиди:

**Ҳам зиё, ҳам маърифатдир,  
Асли ҳикмат-дир китоб.  
Қайнаган қалбдан тўкилган,  
Обираҳматдир китоб.**

Вилоят ахборот-кутубхона марказида “Ноёб китоблар” хонаси бор,- деди у фикрини давом эттириб. Бу ерда Гётенинг рус тилига таржима қилинган асарларидан 26 кг.лик вазндаги улкан китоби сақланаётганлигини кўпчилик билмайди. (“Фауст”) Мен матбуот учун тайёрлаган “Великая достояние православной веры” сарлавҳали мақоламни мазкур хонадаги “Инжил” нинг 1086 йили кўчирилган нусхаси (Абрагос), СССР ФАнинг буйруғи билан 500 нусхада ксериро қилиниб, 1961 йили Андижонга ҳам келтирилган нусхаси ва “Таврот”нинг 22 китобининг оригиналидан фойдаланганман. Айтмоқчиманки, кутубхонага келган ҳар бир муштарий ўзи учун зарур адабиётларни топади.

Китоб ўқиган инсоннинг юраги кенгайиб боради ва у муаммоларнинг ечимини илмдан ахтаради.

Ўрта ёшлардаги истарали аёл ўзини доцент Роҳилахон Умрзоқова деб таништиради.

У мактабда ўқиб юрган чоғлариданоқ ўз олдига олима бўлишни мақсад қилиб кўйган ва тиришқоқлик билан билимини кенгайтириб борган экан.

Андижон шаҳридаги 46-умумтаълим мактабини олтин медал билан тамомлагач, тиббиёт билим юрти ва Андижон давлат тиббиёт институтини қизил диплом билан битирган. 1989 йилдан ўзи таҳсил олган олийгоҳда ёшларга сабоқ бера бошлаган. Москвадаги Бутуниттифоқ Гематология ва Бутуниттифоқ Валеология институтларида илмий изланишлар олиб борган. Тошкент Тиббиёт академияси докторантурасида ўқиган.

-Илмий ишларимдаги барча муваффақиятларим китоб билан боғлиқ, -деди у бизнинг саволимизга жавоб бераркан, - докторлик дис-

сертациямни яқунлаяпман. Яқинда қорақантнинг юрак фаолиятини яхшилашдаги моҳияти ҳақида монография тайёрладим. Ҳозир “Трамбоцитания ва уларнинг турлари” мавзусида монография ёзаяпман. Бунда менга вилоят ахборот-кутубхона марказининг ёрдами беқиёс бўлаяпти. Мутахассислар зарур адабиётлар, газета ва журналларда чоп этилган керакли мақолаларни топишда беминнат кўмаклашдилар. Айниқса, электрон кутубхона мутахассисларидан ғоят миннатдорман.

Институт ва лицейларда ички касалликлар, қон ва касб касалликлари, ҳарбий-дала терапиясидан лекциялар ўқийман. Ёшларга сабоқ бериш учун ўқитувчининг ўзи замон билан ҳамнафас билим доирасини кенгайтириб бориши зарур. Кутубхона эса-билимлар хазинаси. Илмий ишлардан толиққан пайтларимда кўлимга бадий китобларни олиб ўқийман. Яхши бир шеър, яхши бир ҳикоя бутун чарчогимни ёзиб юборади.



Вилоят ахборот-кутубхона марказига шанба-якшанба кунлари ҳарбий хизматчилар оилалари билан келадилар. Андижон шаҳридаги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи, майор Абдуманноп Абдуллаев билан суҳбатлашдим.

-5 мингга яқин китоб ва 70 мингдан зиёд электрон китобларга эга кутубхонамиз бор,- деди у. Аммо, аскарларимиз, сержант ва зобитларимизда китоб ўқишга эҳтиёж катта. Шунинг учун биз вилоятимизнинг марказий кутубхонаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. ►

Очиғи, хизматни энди бошлаган ҳарбий хизматчиларимизнинг аксариятида китоб ўқишга мойиллик бўлмайди. Аммо биз турли хил тадбирлар ўтказиш орқали бу муаммонинг ечимини топишга эришганмиз.



Бир ойда икки марта таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказиб борамиз. “Китобсевар”, “Ёш китобхон оиласи”, “Темур тузуклари билимдони” каби кўрик танловларимизда нафақат ҳарбий хизматчилар балки уларнинг оилалари ҳам иштирок этмоқдалар.

Агар ўғлингиз ёки жиянингиз ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, кўпинча китоб варақлайдиган, газета ва журналлар ўқийдиган бўлиб қолса ажабланманг. Йигитлар армияда ҳарбий билимларни эгаллаб, зарур кўникмаларга эга бўлиш билан бирга ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан чиниқадилар.

Абонаментлар секторидagi кутубхоначи аёлга китоблар топшириб, ўзига маъқул бўлган янги бадиий асарларни олиш учун келган ориққина қизни суҳбатга тортдим. Исми-шарифи Руқияхон Салоҳитдинова бўлиб, Андижон шаҳридаги 24-умумтаълим мактабининг 8-синфида ўқиркан.

Вилоят ахборот-кутубхона марказига аъзо бўлганингизга анча бўлдимми? - дея берган саволимга у шундай жавоб берди:

- Икки йил аввал синф раҳбаримиз Гулнора опа Даминова мана шу кутубхона ҳақида гапириб берди, кейин бутун синф ўқувчиларини шу ерга экскурсияга олиб келди. Қанча машҳур ёзувчилар ёзган минглаб қизиқарли китоблар, ўзим ахтариб юрган бадиий адабиётларни кўриб ҳайрон қолдим. Шу чоққача мен учун қоронғи бўлган сەҳрли дунёга кириб қолгандайман.

Ота-онам китоб ўқишга қизиқишмаган.

Опам Ойқиз ҳам турмуш ўртоғи билан новвойчилик қилишади. Китоб ўқишга вақтлари йўқлигини айтишади. Мени эса китоблар ўзига оҳанрабодек тортади. Китоб ўқишнинг лаззати бошқа. Уни тотиб кўрган киши умрбод ҳикматлар оламининг мафтунига айланади. Ўз олдига руҳшунос бўлишни мақсад қилганман. Мураккаб руҳий ҳолатларга тушиб қолган инсонлар дардига малҳам бўлиш, боши берк кўчадан уларни олиб чиқиш, йўқолган ишончини тиклаш учун руҳшунос катта ҳаёт тажрибасига эга бўлиши, касбга оид ва бошқа турли адабиётларни ўқиган бўлиши зарур. Бу кутубхона бунда менга катта мададкорлигини биламан.

Бирор бир корхона ёки қурилишда меҳнат қилаётган оддий ишчи ёки деҳқон билан китоб ҳақида суҳбатлашмоқчи бўлдим. Кутубхонада бундай китобсеварларни учрата олмагач, шу атрофда турли туманларга бормоқчи бўлган йўловчиларга хизмат кўрсатиш илинжида ўтирган бир гуруҳ ҳайдовчиларга мурожаат этдим. Улар умуман китоб ўқишмас экан.

-Йўловчилар келишини соатлаб кутиб ўтирасизлар, вақтни китоб ўқиш билан ўтказсанглар бўлмайдими?

Йигитлар бир-бирига қарашиб жилмайишди. Уч-тўрттаси бетон брусчаткадан туришиб, ўзларини четга олишди.

Эски шаҳардаги деҳқон бозори ёнига қурилаётган улкан қурилиш объектларида 250 киши меҳнат қиларкан. Қурилишга раҳбарлик қилаётган Умаржон Бозоровнинг айтишича, 1400 квартиралик 16 та тўққиз қаватлик бинолар қат ростлаяпти.

- Дам олиш соатлари бўлса керак, - дея берган саволимга у шундай жавоб қайтарди:

- Қурувчиларимиз тушлик қилиб олгач бир соат мизғийдилар.

- Китоб ўқийдиганлар ҳам борми?

- Йўқ, иш кўп.

Иш юритувчининг ёрдамчиси Хурсандбек Мамажоновдан ўзингиз китоб ўқийсизми, - дея сўрадим.

- Иш эрталаб соат 8 да бошланади, - деди у.

- Кеч соат 20 да яқунланади. Одамларни кузатиб ҳисоб-китоб қилиб уйга борганимча соат 22 дан ортади. Ишимиз кунбай эмас, ишбай. Қурувчиларимиз иложи борича кўпроқ иш ҳаққи олишлари учун ҳаракат қилишади.

- Ёши элликлардан ўтган сувоқчи отахондан фарзандларингиз китоб ўқийдими, - дея

сўраганимда у менга маъноли қараб, бош чайқади. Ёши ўттизларга борган пахтаободлик қурувчи йигит, “Мен гоҳида диний китоблар ўқийман” – деди.

Афсуски, улкан қурилиш объектида меҳнат қилаётганлар орасида бирорта китобсеварни топа олмадим. Албатта, улар эрталабдан кечгача тер тўкиб меҳнат қилишади, бунёдкорликда фидокорлик кўрсатадилар, бола-чақа боқадилар. Аммо маънавиятдан анча узоқлашиб боришяпти.

Китоб ўқишга меҳр болалиқдан бошланади, асосан оилада шаклланади. Ота-она маънавият ҳақида қайғурмаса фарзандлари ҳам тубанликдан чиқа олмайдилар. Китоб ўқиш улар учун бекорчилик, беъманилик бўлиб туюлади.

Бир пайтлар амаким телевизорда симфоник оркестор концерт намоиш этаётганлигини кўриб, “Ўчир овозини шу ҳам мусиқа бўлди”,- дея хуноби чиққанди. Россияда ўзбек классик куйларини тинглаётганимизда русларнинг баъзилари “Сенларда шундан бошқа дурустроқ мусиқа йўқми?” дейишиб устимиздан кулишганди. Аслида одамлар ўзи тушунмайдиган нарсаларни ёқтирмайдилар, ажойиб санъат асарлари, адабиёт ҳикматларидан завқлана олмайдилар. Омма орасида маънавий тарбия билан шуғулланиш, китобга меҳр уйғотишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Жадидлар айтмоқчи: - “Ўқимайдиган халқ ривожланишдан тўхтади”. Бу сўзлар бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. ■



## “ЭРТАКТЕРАПИЯ” ОРҚАЛИ БОЛАЛАРДА ИЖОДИЙ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**УМИДА КАДИРОВА**

Электрон ресурслардан фойдаланиш ва ўқув заллари хизмати бош мутахассиси

**ЗОХИДА ХАЛБЕКОВА**

Илмий-методика хизмати етакчи мутахассиси



Дунёда миллий эртаги бўлмаган халқ-элатнинг ўзи бўлмаса керак. Деярли ҳаммамиз бобо-бувиларимиз, ота-оналаримиз, ака-опаларимиз ёки ўқитувчиларимиздан эртақ эшитиб улғайганмиз. Ҳеч бўлмаганда китоблардан ўқиганмиз.

Ёш авлодни билимли, доно ва ахлоқли қилиб тарбиялашда эртақларнинг ўрни жуда муҳим. Эртақ бола учун ахлоқий таълимот ва насиҳатлардан кўра афзалроқдир. У яхшиликка ишончли уйғотади, қийин вазиятда ечим топишга, одамлар билан муносабатларни ўрнатишга ёрдам беради. Эртақ боланинг адолат, севги, дўстлик, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурини шакллантиради.

Болалар оҳанграболи олам ҳисобланиб,

жуда тез ўсиш, ривожланиш ва ўзгаришлар ичида яшайдилар. Бу фарзанд тарбиясида айнан шу палла қанчалик аҳамиятли эканининг яна бир исботидир. Бугунги кун психологлари болаларни тарбиялашнинг усулларидан бири сифатида эртақ терапияни жуда кўп таъкидлаб ўтишмоқда. Эртақтерапия бу болани эртақлар орқали тарбиялаш ва даволаш методидир. Болаларимизда китобга меҳр, иштиёқ уйғотиш учун, аввало, ўзимиз унга тўғри муносабатда бўлишимиз лозим. Китобга меҳр қўйишнинг ўзида бир ҳикмат бор.

Эртақлар ақлга ҳам, юракка ҳам фаол таъсир кўрсатади: ақлни тўлдиради, юракни ҳиссиётчан қилади. Барчамиз болаларимизни жасур ва интилувчан, диёнатли, эътиқодли, ►